



БМТ БОШ КОТИБИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Антониу Гутерриш 2017 йил 9 июнь кунини Ўзбекистонга ташриф буюради.

Икки томонлама учрашув ва музокара-лар чоғида Ўзбекистон билан БМТ ва унинг тузилмалари ўртасидаги ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва уни ривожлантириш истиқболлари, шунингдек, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар, жумладан, Орол фожиясининг экологик оқибатларини юмшатишга доир масалалар муҳокама этилиши режалаштирилган.

Ташриф дастурида Самарқанд, Нукус ва Мўйноқ шаҳарларига бориш кўзда тутилган.

ЎЗБЕКИСТОН — БМТ: ТИНЧЛИК ВА ФАРОВОНЛИК ЙЎЛИДАГИ ҲАМКОРЛИК

Хабар берилганидек, жорий йил 9—10 июнь кунлари Бирлашган Миллатлар Ташкилоти-нинг Бош котиби Антониу Гутерриш мамла-катимизда бўлади.

Шуни қайд этиш жоизки, БМТ янги Бош котиби биринчи мартаба Ўзбекистонга таш-риф буюради ҳамда республика раҳбарияти билан учрашди, Самарқанднинг диққатга сазовор жойлари ва Оролбўйи минтақасида-ги экологик аҳвол билан танишди. Эслатиб ўтамиз: турли йиллар давомида Бош котиб-лар Кофи Аннан (2002) ва Пан Ги Мун (2010, 2015) мамлакатимизда бўлишган.

Маълумки, Ўзбекистоннинг БМТ билан самарали ва кўп қиррали ҳамкорлигига 1992 йил 2 март кунини қўйилган — ўша кунини республикамиз халқаро ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлган эди. Тошкент бу ташкилотни умумжаҳон тинчлиги ва хавф-сизлигини қўллаб-қувватлаш, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ва атроф-муҳит муаммоларини ҳал этиш бўйича универсал халқаро тизим сифатида кўради.

Мамлакатимиз ушбу ташкилот ва унинг ихтисослашган тизимлари фаолиятида фаол иштирок этмоқда. БМТнинг Нью-Йоркдаги қароргоҳида (АҚШ), Женевадаги (Швейца-рия) БМТ бўлими ҳузурида ва бошқа халқ-аро ташкилотларда ҳамда Венадаги бўлими-да Ўзбекистоннинг доимий ваколатхонала-ри фаолият кўрсатмоқда.

БМТнинг Ўзбекистон тараққиётига қўма-лашиш бўйича доиравий дастури (ЮНДАФ) республикамизнинг ушбу глобал институт билан ҳамкорлигини белгилайдиган муҳим ҳуж-жат ҳисобланади. Мамлакатимиз учун 2016-2020 йилларга мўлжалланган ушбу янги ҳам-корлик дастури Барқарор ривожланиш мақ-садлари ва бошқа ўта муҳим лойиҳалар, шунингдек, манфаатдор томонлар — Ўзбекис-тон давлат тизимлари ва муассасалари кенг доирасининг биргаликда тақдим этган так-лифлари асосида ишлаб чиқилган.

Ўзбекистон ташқи сиёсий фаолияти Кон-цепциясидаги асосий вазифалардан бири — Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорлик-ни сақлаш ҳамда мустақамлаш, минтақани хавфсизлик ва барқарор ривожланиш зона-сига айлантириш вазифасини амалга оши-риш борасида мазкур ташкилот билан ҳам-корликка жуда катта эътибор қаратилмоқда. Шу боисдан қайд этиш ўринли бўладики, мамлакатимиз Биринчи Президенти Исро-л Каримов томонидан нафақат Ўзбекистон учун, балки кенг миқёсда бутун минтақа учун муҳим бўлган ташаббуслар илгари су-рилган эди. Улар дунёда кенг эътироф этил-ди ва қўллаб-қувватланди. Ана шундай та-шаббуслар орасида ҳаётга татбиқ этилган Марказий Осиёда ядро қуролидан холи зо-нани барпо этиш ғояси бор.

▶ Давоми 3-бетда.

«Ёш сиёсатчи — 2017»



Ў.А. Сураи.

Қорақалпоғистонлик ёш сиёсатчилар

ЎзХДПнинг «Ёш сиёсатчи» кўрик-танловида кўплаб истеъдодли ёшлар кашф этилмоқ-да. Масалан, Қорақалпоғистонда ўтган танловларда иштирок этган Гўлжаҳон Сейтназа-рова бугун Ўзбекистон Республикаси Президенти стипендианти, Хурлиман Нуржанова «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишони соҳиби. Перизат Уразалиева эса «Ёш сиёсатчи — 2016» Қорақалпоғистон Республика босқичи ғолиби бўлган.

▶ Давоми 2-бетда.

Инсон манфаати — олий қадрият

ОДАМЛАР ДАРДИГА ДАРМОН БЎЛАЁТГАН

Халқ қабулхоналари ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Прези-дентининг Сурхондарё вилоятидаги Халқ қабулхонаси фойеида «Инсон-ларнинг дарду ташвишларини ўйлаб яшаш — одамлиқнинг энг олий ме-зонидир», деган сўзлар зарҳал ҳарф-лар билан нақшланганини кўрганин-гизда беихтиёр ўзаро чамбарчас боғ-лиқ, бир-бирини тўлдирадиган, бойи-тадиган, безайдиган фикрлар ҳалқаси, тушунчалар тизмаси ҳаёлингиздан ўтади. Дарҳақиқат, юртимизда ҳамма нарса инсон учун, унинг бахтли-сао-датли яшаш учун. Барча ислохотлар, ташаббуслар шу қутлуғ мақсадга хиз-мат қилади.



Халқ билан мулоқот

ДЕПУТАТЛАР АҲОЛИ БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ МУЛОҚОТ ЎТКАЗМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депу-татлари ва Сенати аъзоларидан бир гуруҳи Наманган вилояти Поп тум-нида ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли турмуш дара-жасини янада юксалтириш, фуқаро-ларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъ-минлаш борасида амалга оширила-ётган ишларни ўрганмоқда.

Президентимиз ташаббуси билан Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили, деб эълон қилинган жорий йилда давлат ва жамоат ташкилотлари вакил-лари жойларда бўлиб, ҳудудларни ком-плекс ривожлантириш, халқнинг турмуш фаровонлигини юксалтириш борасида амалга оширилаётган ишлар билан та-нишмоқда, одамларни қизиқтираётган ма-салалар ва мавжуд муаммоларни ўрган-моқда, уларнинг ечимини жойида илҳом қилишга ҳисса қўймоқда.

Депутат ва сенаторлар учрашувларда аҳолининг турмуш тарзи билан танишиб, ҳар бир маҳалла ва хонадоннинг ўзига хос ижтимоий-маънавий муҳити, ҳудудга

хос ютуқ ва камчиликлар, муаммолар-ни аниқлаш таҳлил қилган ҳолда ма-ҳаллий ҳокимликлар, давлат ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари билан ҳамкор-ликда чора-тадбирлар кўрмоқда.

Парламент вакиллари Поп тумани кишлоқ ва маҳаллаларида аҳоли билан ўтказётган юзма-юз мулоқотларда одам-лар томонидан асосан иш билан таъмин-лаш, тиббий хизмат кўрсатиш сифати, таълим муассасалари, тижорат банкла-ри фаолияти, фуқаролар мурожаатлари билан ишлаш ҳолати каби бир қатор иж-тимоий, иқтисодий муаммолар ўртага ташланмоқда.

Ишчи гуруҳи аъзолари ҳар бир муро-жаатни чуқур ўрганиб туман ва вилоят даражасида ҳал этилиши мумкин бўлган масалаларни маҳаллий давлат ҳокимия-ти органлари вакиллари иштирокида ўрнида ҳал этиш чораларини кўраётир.

Чодак қишлоғининг Юқори Хонобод маҳалласида яшовчи И.Холдоровнинг тадбиркорлик фаолиятини бошлаш учун Халқ банки туман бўлими томонидан кредит ажратилмаётгани тўғрисидаги

мурожаати ўрганилиб, ижобий ҳал эти-ладиган бўлди. Кандидат маҳалласида яшовчи Т.Мадолимовнинг йўлни таъмир-лаш, автобус ҳаракатини йўлга қўйиш ма-саласида қилган мурожаати ҳам қаноат-лантирилди. Жорий йилнинг учинчи чо-рагида йўл таъмирланиб, автобус қатно-ви йўлга қўйилди.

Маҳалла фуқаролар йиғинларида таш-кил этилаётган оммавий учрашувларда 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Респу-бликасини ривожлантиришнинг бешта ус-тувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стра-тегиясининг мазмун-моҳияти, мақсади ва аҳамияти ҳақида аниқлашга тушунча бе-рилмоқда.

Ўрганиш якунлари Ўзбекистон Респу-бликаси Қонунчилик палатаси депутатлари ва сенаторлар, маҳаллий ҳокимият орган-лари, фаоллар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари иштирокида халқ де-путатлари туман Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида муҳокама қилинади.

А.САТТОРОВ,
ЎЗА мухбири.

ПОЛИКЛИНИКА БОШ ШИФОКОРИ АҲОЛИ ОЛДИДА ҲИСОБ БЕРДИ

Шайхонтоҳур туманидаги 41-оилавий поликлиника ҳудуддаги 25 минг 700 дан ортиқ аҳолига тиб-бий хизмат кўрсатади. Муассаса-да ташкил этилган кундузги ста-ционарда беморлар шифокор назо-ратида бўлиб, керакли муолажа-ларни олмақда.

Бу ҳақда мазкур поликлиника бош ши-фокорининг ҳудуд аҳолисига берган ҳисобо-тида маълум қилинди. Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, маҳалла фуқаролар йиғинлари фаоллари, ҳудуд аҳолиси ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иш-тирок этди.

Тадбирда Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан жорий йилнинг Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили, деб эълон қилиниши барча соҳа қато-ри аҳоли саломатлигини таъминлаш, тибби-ёт муассасаларининг моддий-техник базаси-ни мустақамлаш, сифатли тез тиббий ёрдам кўрсатиш борасидаги эзгу ишларни янги бос-қичда давом эттиришга хизмат қилаётгани таъкидланди.

Шайхонтоҳур туманининг Ипакчи, Эски Жарариқ, Зафаробод, Ўзбекистон, Қўкча ма-ҳаллалари аҳолисига хизмат кўрсатувчи ушбу оилавий поликлиникада 10 умумий амалиёт шифокори ва 20 патронаж ҳамшираси фао-лият олиб боради. 4 минг 400 хонадон, 6 минг 376 оила, 2 умумтаълим мактаби ва 4 мактабгача таълим муассасаси мавжуд ушбу ҳудудда ҳамширалар ўзига бириктирилган хонадонларга қатновларни ташкил этмоқда. Маҳалла ва таълим муассасаларида жамоат-чилик назоратининг аҳамияти, соғлом тур-муш тарзи тарғиботи, тиббий маданиятни юксалтиришга қаратилган маданий-марийий тадбирлар, давра суҳбатлари ўтказилмоқда.

— Муассасамиз билан тез тиббий ёрдам хизмати ўртасидаги узвий ҳамкорлик кучай-тирилди, — деди оилавий поликлиника бош шифокори Дилдора Мирхолиқова. — Сурун-кали касаллиги бор беморларни патронаж билан қамраб олиш даражаси, мурожаат қил-ган беморлар учун зарур дори-дармон воси-талари таъминоти яхшиланди. Поликлини-камиз учун алоҳида машина ажратилгани патронаж хизматини тезкор ва самарали таш-кил этишга ёрдам бермоқда.

Йиғилишда поликлиника фаолияти ба-тафсил муҳокама қилиниб, мавжуд муаммо-ларнинг ечими бўйича фикрлашилди.

Икром АВВАЛБОВЕВ,
ЎЗА мухбири.

Савол ва жавоб

Электр энергияси ва газ ҳақини вақтида тўлашни унутманг

Электр ва газ тармоқларидан илгари узиб қўйилган истеъмолчи — жисмоний шахслардан энг кам ойлик иш ҳақининг 2 баравари миқдорида, истеъмолчи — юридик шахслардан энг кам ойлик иш ҳақининг 10 баравари миқдорида тўлов қайта улашқ амалга оширган ташкилот ҳисобига ўтказиш орқали ундирилади.

2

ҲАЁТИЙ ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ БЕРИЛДИ

Президентимизнинг ҳудудларга амалга ошираётган амалий ташрифи жойларда ижтимоий-иқтисодий ислохотларни ривожлантириш, аҳоли турмуш даражасини юксалтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Буни Андижон вилоятида ўтказилган учрашувлар, ҳаётга татбиқ этилиши режалаштирилган лойиҳалар мисолида ҳам кўриш мумкин.

Давлатимиз раҳбарининг андижонликлар билан учрашувлари самимий мулоқотларга айланиб кетди.

Абдулҳамид НУРМАТОВ,
ЎзХДП Андижон вилоят
кенгаши раиси,
халқ депутатлари вилоят
Кенгашидаги партия
гурухи раҳбари:



— Президентимиз вилоятимизга ташрифи давомида жуда муҳим ижтимоий-иқтисодий масалаларга эътибор қаратди. Кўплаб дастурларни ҳаётга татбиқ этиш бўйича зарур кўрсатмалар берди. Вилоят фаоллари билан бўлган йиғилишда учта энг муҳим масала юзасидан фикр билдирди.

Давлатимиз раҳбари, биринчи навбатда, вилоятда жиноятчиликнинг олдини олиш, ҳуқуқбузарликлар профилактикасига жиддий эътибор қаратиш, бу борада ички ишлар органлари ходимларининг масъулиятини кескин ошириш

муҳим эканини таъкидлаб, ҳозир бу йўналишда амалга оширилаётган ишлар талабга жавоб бермаслигини қайд этди.

Сиёсий партия вакили, депутат сифатида жойларда бўлиб, сайловчилар билан учрашганимизда, ҳақиқатан ҳам, мазкур масалада камчиликлар оз эмаслигининг гувоҳи бўляпмиз. Бугун ҳаёт шуни кўрсатмоқдаки, жиноятнинг оқибатлари билан курашиш эмас, балки унинг олдини олиш чораларини кўриш муҳим ва самаралироқдир.

Шунинг учун партиямиз ташаббуси билан ўтказилаётган

тарғибот тадбирларига ички ишлар органлари ходимларини тақлиф қилиш, бу ишларда улар билан биргаликда фаол қатнашишни режалаштирдик. Ўйлайманки, бу саъй-ҳаракатлар ўз самарасини бермасдан қолмайди.

Президентимиз томонидан ўртага ташланган муҳим масалалардан яна бири вилоятда тиббиёт тизимини тубдан такомиллаштиришдир. Дарҳақиқат, бугунги кунда, айниқса, Андижон вилоятида соғлиқни сақлаш тизими талаб даражасида эмас. Бу эса ўз навбатида, аҳолининг ҳақли норозлигига сабаб бўлмоқда. Йиғилишда камчиликларни бартараф этиш, вилоятимизда иختисослаштирилган тиббиёт марказларининг филиалларини ташкил этиш, умуман, тиббий хизмат кўрсатиш тизимини замон талаблари даражасига чиқариш юзасидан аниқ топшириқлар берилди. Бу, албатта, андижонликлар кўнгилни кўтарди, эртанги кунга бўлган ишончини мустаҳкамлади.

Ўзбекистон ХДП Сайловолди дастурида тиббиёт тизимини ислох қилиш билан боғлиқ муҳим масалалар белгиланган. Ҳозирги кунда уларни рўйбга чиқариш бўйича зарур ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларидаги депутатлик бирлашмалари орқали соғлиқни сақлаш соҳасига тегишли бўлган муаммоларни чуқур ўрганиб, уларни туман,

вилоят, республика даражасига олиб чиқиш ва ҳал этиш вазифаси қўйилган.

Шунингдек, партия гуруҳларимиз ташаббуси билан маҳаллий Кенгашлар сессияларида тиббиёт бирлашмалари раҳбарларининг ҳисоботларини эшитиш амалиётини кучайтириш ҳам кўзда тутилган.

Фуқаролар, айниқса, ёшларни турли диний оқимлар таъсиридан асраш, бунинг учун зарур чоралар кўриш мамлакатимиз раҳбари томонидан кўтарилган яна бир муҳим масала бўлди. Бугун диний экстремизм ва терроризм дунё тинчлигига таҳдид солаётган энг катта хавф ҳисобланади. Бундан дунёдаги ҳеч бир давлат четда эмас. Одамлар, айниқса, ёшларни ёвуз иллатлар ва турли оқимлардан асраш, бу борадаги тарғибот ишларини кучайтиришда давлат идоралари билан бирга, жамоат ташкилотлари, сиёсий партиялар ва депутатлар ҳам фаол иштирок этиши талаб этилади.

Президентимизнинг вилоятимизга ташрифи тарихий ўзгариш ва янгиланишларга асос бўлади. Биз, партия фаоллари ва депутатлар белгиланган вазифаларни амалга оширишда томошабин бўлмасдан, бу жараёнларда фаол иштирок этишимиз лозим.

«Ўзбекистон овози» мухбири
Нурали ОРИПОВ
ёзиб олди.

«Ёш сиёсатчи — 2017»



Қорақалпоғистонлик ёш сиёсатчилар

Бугунги кунда партия ёшлар қаноти бирлаштирган йигит-қизлар мамлакатда амалга оширилаётган ислохотларнинг фаол иштирокчиларига айланмоқда. Улар жаҳонда юз бераётган сиёсий жараёнларга, воқеаларга соғлом муносабатини билдиришга қодир, билимга, дунёқарашга эга. Бунга «Ёш сиёсатчи — 2017» кўрик-танловининг Қорақалпоғистон Республикаси босқичида ҳам яққол амин бўлди.

Кегейли туманидан Наврўз Нуриимбетов Қорақалпоғистон шариоатида қандли диабет касаллигининг олдини олиш бўйича ўз лойиҳасини тақдим этди. Мўйноқ туманидан Феруза Нурлибаева-нинг «Биз бир оиламиз» лойиҳаси доирасида имконияти чекланган инсонларни иш билан банд бўлишига шaroит яратиш борасидаги тақлиф илгари сурилди.

Танловнинг иккинчи — савол-жавоблар қисмида иштирокчилар билим ва зукколигини намоён қилишди.

— Савол-жавоб шартларида саволлар қизиқарли бўлиши керак, — дейди Нукус шаҳар Кенгашидаги Ўзбекистон ХДП гуруҳи аъзоси, ҳайъат аъзоси Алишер Реймов. — Ёшларимиз қонун ва

кодекслар, партиямиз дастури, «Истиқбол» ёшлар қаноти фаолияти тўғрисида яхши маълумотга эга эканлигини кўрсата олди.

Иштирокчилар сўнгги шартда нотиклик санъатини намоён қилишди.

Яқуний натижаларга кўра, учинчи ўрин Мўйноқ тумани вакили Феруза Нурлибаевага, иккинчи ўрин Қонлиқул туманидан Тимур Муратбаев ва Эллиққалъа туманидан Озода Рўзимовага насиб қилди. Барча босқичларда юқори балл тўплаган Кегейли туманидан Наврўз Нуриимбетов биринчи ўринни кўлга киритди ва танловнинг мамлакат босқичига йўлланма олди.

— Менга билдирилган ишонччи оқлашга ва юқори ўринни эгаллашга ҳаракат қиламан, — дейди Наврўз Нуриимбетов. — Бундай танловлар биз, ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга ва истеъдодини юзага чиқаришга ёрдам беради, деб ўйлайман.

Ғолиблар ташкилотчилар томонидан эсдалик совғалари ва махсус дипломлар билан тақдирланди. Танлов Нукус шаҳар маданият бўлими ходимлари иштирокидаги концерт дастури билан яқунланди.

Минажатдин КҮТЛИМУРАТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Савол ва жавоб

Ҳаммамизга маълумки, шу йилнинг 29 май куни Президентимизнинг «Электр энергияси ва табиий газ етказиб бериш ҳамда истеъмол қилиш соҳасида тўлов интизомини янада мустаҳкамлаш, шунингдек, ижро иши юритиш тизимини тубдан такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги фармони эълон қилинди. Мазкур ҳужжат соҳада тўпланиб қолган муаммо ва камчиликларни бартараф этиш, электр энергетика ва газ тармоқларини модернизация қилиш, истеъмолчиларни энергия ресурслари билан узлуксиз таъминлашда катта аҳамиятга эга.

Ушбу фармон асосида жорий қилинаётган янгиликлар кўпчиликлда катта қизиқиш уйғотмоқда. Таҳририятимизга келаётган саволлар ҳам буни исботлаб турибди.

ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ ВА ГАЗ ҲАҚИНИ ВАҚТИДА ТЎЛАШНИ УНУТМАНГ

— Эшитишимча, шу йилнинг 1 июлидан бошлаб электр энергияси ва табиий газ етказиб бериш тизимида қатор янги тартиблар жорий этилаётган экан? Шу ҳақда тўлиқроқ маълумот берсангиз.

Гулноза Носирова,
уй бекаси.
(Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани)

Муқаддас Раҳматуллаева,
халқ депутатлари Тошкент шаҳар
Кенгаши депутати,
ЎзХДП гуруҳи аъзоси:

— Президентимизнинг фармонига асосан истеъмолчилар — жисмоний шахслар ҳар ойнинг 10 санасига қадар ўтган ойда истеъмол қилинган энергия ресурслари учун тўлиқ ҳисоб-китоб қилишлари шарт. Бу мuddат ўтгандан кейин, қарздорлик мавжуд бўлганда, жисмоний шахслар белгиланган тартибда электр ва газ тақсимлаш тармоқларидан мажбурий узилади.

Истеъмолчиларга энергия ресурсларини етказиб бериш 100 фоизлик олдидан ҳақ тўлаш асосида амалга оширилади. Яъни, мунтазам ҳар ойлик тўловларни амалга оширмаган истеъмолчилар олдидан ҳақ тўлайди. Олдидан ҳақ тўланмаган ҳолларда, мазкур истеъмолчиларга нисбатан электр ва газ тақсимлаш тармоқларидан тўлиқ узишгача бўлган чоралар кўрилади.

Электр ва газ тармоқларидан илгари узиб қўйилган шахсларни қайта улашда истеъмолчи — жисмоний шахслардан энг кам ойлик иш ҳақининг 2 баравари миқдоридан, истеъмолчи — юридик шахслардан энг кам ойлик иш ҳақининг 10 баравари миқдоридан тўлов қайта улашни амалга оширган ташкилот ҳисобига маблағларни ўтказиш орқали ундирилади.

Шу ўринда яна бир масала. Истеъмолчи энергия ресурсларини истеъмолини ҳисобга олиш ускуналарининг лозим даражада эксплуатация қилиниши ва соғлиғи учун жавобгар бўлиши ҳам фармонда алоҳида белгилаб қўйилган.

— Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузурида ташкил этилган Мажбурий ижро бюросининг ваколатларига нималар киради?

Дилноза Иркинова,
хусусий корхона ҳисобчиси.
(Тошкент вилояти, Зангиота тумани)

Нурмуҳаммад Абдуллаев,
халқ депутатлари Тошкент вилоят
Кенгаши депутати,
ЎзХДП гуруҳи аъзоси:

— Бош прокуратура ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси энергия ресурслари учун тўловларнинг ўз вақтида ва тўлиқ ундирилишига, электр ва газ тақсимлаш тармоқларига оқсонуний улашни ҳамда талон-торож қилиш ҳолатларини аниқлаш, бартараф этиш ва олдини олишга, шунингдек, суд ҳужжатларининг сўзсиз ижросини таъминлашга масъул ҳисобланади.

Энергия ресурсларини етказиб бериш ҳамда истеъмол қилиш соҳасидаги вазифаларни амалга оширишда Мажбурий ижро бюроси қатор ваколатларга эга. Хусусан, у энергия ресурслари етказиб берилиши ва истеъмолини ҳисобга олишнинг тўлиқлиги ҳамда ҳаққонийлиги, улар учун ҳисоб-китобларнинг ўз вақтида амалга оширилиши юзасидан текширишлар ўтказиши. Етказиб берилган энергия ресурслари учун қарздорликни истеъмолчилар — юридик шахслар ва яққа тартибдаги тадбиркорларнинг банк ҳисобрақамларидан сўзсиз ундириб олади. Энергия ресурслари учун энг кам ойлик иш ҳақининг икки бараваридан кўп бўлмаган миқдордаги қарздорликни истеъмолчиларнинг иш ҳақидан ушлаб қолиш тўғрисида иш берувчиларга талабномалар юборади.

Бундан ташқари, ҳисоб-китоблар ўз вақтида амалга оширилмаган ҳолларда, истеъмолчиларни электр ва газ тармоқларидан узиш, энергия ресурсларидан фойдаланиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун айбдор шахсларни жавобгарликка тортиш ушбу бюронинг вазифаларидан бири этиб белгиланди.

«Ўзбекистон овози» мухбири
Лазиза ШЕРОВА тайёрлади.



«Ёш сиёсатчи — 2017» кўрик-танловининг Сирдарё вилоят босқичи қизгин ва кўтаринки руҳда ўтди.

Бу йил вилоят бўйича танловда қатнашиш истагини билдириб, туман ва шаҳар кенгашларига мурожаат қилганлар сони 900 нафардан ошди. Вилоят босқичида уларнинг 11 нафари ғолиблик учун курашди.

Республика босқичига йўлланма

— Танлов шартларининг йилдан-йилга такомиллашиб бораётгани ёшларнинг ўқиб-ўрганиш ва сиёсий жараёнлардан хабардорлигини оширишга ундамоқда, иштирокчиларнинг ўз фикрига эга бўлиш, сиёсий позициясини химоя қила олиш, ўзаро мулоқот, тажриба алмашиш кўникмаларини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда, — дейди Сирдарё вилоят партия кенгаши раиси ўринбосари Муроджон Ҳайитов. — Яна бир томони, танлов партиямиз ғояларининг мазмун-моҳиятини теран англайдиган, ташаббускор, иқтидорли ва интилувчан йигит-қизлар кўпчилигини ташкил этишини кўрсатди.

Лойиҳа тақдимоти шартли кўпчиликка манзур бўлди. Иштирокчиларнинг ижтимоий-иқтисодий соҳаларнинг долзарб масалалари, қишлоқ жойларда инфраструктурани ривожлантириш орқали янги иш ўринлари яратишга қаратилган лойиҳалари алоҳида

эътибор қозонди. Ҳар бир лойиҳада иқтисодий фойда олиш билан бирга, иш ўринлари яратиш, жамоанинг моддий манфаатдорлигини ошириш каби муҳим ижтимоий масалаларга ҳам алоҳида эътибор қаратилган.

Ҳакамлар ҳайъатининг қарорига кўра, биринчи ўринга Гулистон туманидан Нодира Мухаммадқулова лойиҳи деб топилди ва танловнинг республика босқичига йўлланма кўлга киритди.

Шунингдек, танловда «Энг зукко иштирокчи», «Энг билимдон иштирокчи», «Энг фаол иштирокчи», «Энг яхши нотик», «Энг иқтидорли иштирокчи», «Хуқуқ билимдони» ва «Энг самарали ижтимоий лойиҳа учун» номинациялари бўйича ғолиблар тақдирланди.

Соҳиба ИБДУЛЛАЕВА,
ЎзХДП Сирдарё вилоят кенгаши
«Истиқбол» ёшлар қаноти
етакчиси.

Партия гуруҳларимиз ташаббуси билан маҳаллий Кенгашлар сессияларида тиббиёт бирлашмалари раҳбарларининг ҳисоботларини эшитиш амалиёти кучайтириш кўзда тутилган.

ЎЗБЕКИСТОН — БМТ: ТИНЧЛИК ВА ФАРОВОНЛИК ЙЎЛИДАГИ ҲАМКОРЛИК

2002 йил октябрь ойида БМТ Бош котиби Кофи Аннанинг мамлакатимизга буюрган ташрифи чоғида мустақил Ўзбекистоннинг биринчи Президенти таклифи билан Гиёҳванд моддалар, психотроп воситалар ва улар прекурсорларининг қонунга ҳилоф равишда муомалада бўлишига қарши кураш бўйича Марказий Осиё минтақавий ахборот-мувофиқлаштириш маркази тузилган эди. Шунингдек, Тошкент ташаббуси билан 2010 йили БМТ ва Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти Котибиялари ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги декларация имзоланди. Минтақавий хавфсизлиқнинг мустаҳкамланишида мазкур икки тизим иштирокини кенгайтиришга йўналтирилган ушбу ҳужжат ШХТ Котибияти ҳамда БМТ наркотиклар ва жиноятчилик бўйича бошқармаси, шунингдек, Осиё ва Тинч океани минтақаси иқтисодий ва ижтимоий комиссияси (ЭСКАТО) — Котибияти ўртасида меморандумлар имзоланиши билан янада мустаҳкамланди.

Давлатимизнинг тинчликсевар сиёсати ҳамда унинг халқро ҳуқуқ тамойиллари ва меъёрларига риоя этилишига содиқлиги БМТ билан шерикликнинг устувор йўналишларини белгилаб берди. Масалан, хавфсизлиқни таъминлаш жабҳасида ўзаро конструктив ҳамкорликнинг катта тажрибаси тўпланган. Ўзбекистон қуролсизланган ва қурол-ярроғларни тарқатмаслик соҳасидаги асосий халқаро битим ва шартномаларнинг иштирокчиси ҳисобланади. Республикамиз терроризмга қарши кураш бўйича БМТнинг 13 та конвенциясига қўшилган.

Ўзбекистоннинг БМТ билан ҳамкорлиги экология ва атроф-муҳит муҳофазаси масалаларини, энг аввало, Орол денгизи муаммосини ҳам қамраб олган. Мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси БМТнинг тўла ҳуқуқли аъзоси бўлганининг 25 йиллиги муносабати билан Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котиби Антониу Гутерришга йўллаган қўтловномасида БМТ шафёлигида Орол денгизи ва Оролбўйи ҳудуди бўйича махсус Траст жамғармасини тузишга қаратилган сайёҳ-харакатлар қатъий қўллаб-қувватлангани билан табрикланди. 2017 йил 10 февралда БМТнинг «Оролбўйи минтақаси учун инсон хавфсизлиги бўйича кўпшериклик фондини ташкил қилиш орқали Орол денгизи фожиясидан зарар кўрган аҳолининг турмуш шартини яхшилаш ва мустаҳкамлаш» дастури амалга оширила бошлангани бу борадаги муҳим қадамлардан бири бўлди.

Ўзбекистоннинг БМТ билан ижтимоий-иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорлиги ҳам жadal ривожланмоқда. Ўзбекистонда БМТ Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ) ва Аҳолишунослик жамғармаси (ЮНФПА) билан биргаликда аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш ва гендер тенглигини таъминлаш бўйича дастурлар амалга оширилмоқда. Улар, жумладан, болалар саломатлигини мустаҳкамлаш, юқумли касалликларнинг олдини олиш, мактаблар ва мактабгача таълим муассасаларида тиббий маданиятни ошириш, санитария-гигиена меъёрларига риоя этилишини таъминлаш, шунингдек, аёлларнинг жамиятдаги ўрни, уларнинг ишга жойлашиши, репродуктив саломатлик соҳасидаги хизматлардан баҳраманд бўлиш имкониятларини кўпайтиришга йўналтирилган.

Кейинги йиллар давомида Ўзбекистонда БМТ агентликларининг бевосита қўллаб-қувватлаши билан оналик ва болалиқни муҳофаза қилиш, озик-овқат хавфсизлиги, ўрта аср шарқ мутафаккирларининг тарихий мероси мавзуларига бағишланган йирик халқаро конференциялар ўтказилди. 2014 йил октябрь ойида БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилоти Ижроия кенгашининг 99-сессияси Самарқандда бўлиб ўтди.

ЮНЕСКО Ўзбекистоннинг бой тарихий-маданий меросини асраш ва уни оммалаштиришга кўмак кўрсатмоқда. Жумладан, унинг шафёлигида мамлакатимиз тарихий шаҳарлари ва халқимизнинг буюк аждодлари юбилейлари халқро микёсда нишонланди. ЮНЕСКО кўмагида 1997 йилдан буюн хар икки йилда Самарқандда «Шарқ тароналари» Халқро мусиқа фестивали ўтказилмоқда. Ўзбекистоннинг қатор кўна шаҳарлари ва ёдгорликлари ЮНЕСКО Бутунжаҳон мероси рўйхатидан жой олган. Ўзбекистоннинг олти маданий-тарихий ўзига хослиги — Бойсун маданий ҳудуди, Шашмақом, катта ашула, аския ва Наврўз байрами, шунингдек, миллий таомимиз — палов билан боғлиқ аъаналар ЮНЕСКОнинг инсоният номоддий маданий мероси рўйхатига киритилган.

Сўнгги йилларда БМТ билан ҳар томонлама ҳамкорлик сезиларли даражада фаоллашди. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари Зайд Раад ал-Хусайн яқинда Ўзбекистонга ташриф буюргани ва юқори мартабали меҳмон Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан қабул қилингани бундан далолат беради. Учрашув чоғида Ўзбекистон ва БМТ, ушбу нуфузли универсал халқаро ташкилотнинг институтлари ўртасидаги конструктив ҳамда очик мулоқотни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш муҳимлиги яна бир бор таъкидланди.

Шу тариқа Ўзбекистон ва БМТ ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорлик муваффақияти билан раванқ топмоқда. Шунга асосланган ҳолда айтиш мумкинки, бу омил давлатимиз раҳбари ва мазкур глобал ташкилот Бош котибининг бўлажак учрашувига алоҳида мазмун бахш этади. Чунки бизнинг фикримизча, ўтган давр мобайнида тўпланган самарали шерикликнинг бебаҳо тажрибаси ўзаро ҳамкорлик қўламабини кенгайтириш, Ўзбекистонда ва бутун жаҳонда барқарорлик, ривожланиш ва фаровонлик манфаатлари йўлида биргаликдаги ишларнинг янги йўналишларини белгилаб олиш учун яхши замин яратди.

◀ Давоми. Бошланғич 1-бетда.

Замира АЗИЗХОНОВА,
«Жаҳон» АА.

ОДАМЛАР ДАРДИГА ДАРМОН БЎЛАЁТГАН

Халқ қабулхоналари ҳақида



Мамлакатимизда янги ташкил этилган Президентнинг Халқ қабулхоналари маҳалла институтининг сингари, ўхшаши, қиёси йўқ, истиқболли институтлардандир. Президентнинг Сурхондарё вилоятидаги Халқ қабулхонаси мудири Бахтиёр Жамолов дам олиш кўни ҳам ишлаб ўтирган экан, у киши билан суҳбатлашиб, тузила ҳақида кўп маълумотларга эга бўлдим.

Президент қарорлари, қарорли ҳужжатлар кўзга қиринарли жойга осиб қўйилган. Она ва бола хонаси, тиббиёт хонаси зарур жиҳозлар билан таъминланган, қутиш залида телевизор кўриш, газета, журнал, китоб ўқиш мумкин. Ҳоким, прокурор, ИИБ бошлиғи қабул қилгани аниқ белгилаб қўйилган катта, ёруғ хона компьютерлар ва бошқа техник воситалар билан таъминланган.

— Халқ қабулхоналари, образли қилиб айтганимиз бўлсак, Президентнинг жойлардаги кўзи, қулоғи, овози, — дейди Б.Жамолов. — Ўтган йил сўнгги чорагида Виртуал қабулхонага тушган уч юз ўттиз мингдан зиёд мурожаат кўриб чиқилгани, кўп масалалар жойида, тезкор ҳал этилганидан хабардорсиз. Мана бу қалин дафтарлар — тақдирномалар. Вилоят аҳлининг яққа, жамоавий ариза, шикоят, тақлиф, талаблари, бари тартиби билан жамланган, ўрганилган, ўрганилаётган, ҳал этилган ёки ҳал этилиш арафасида. Мана бу махсус дафтарда одамларнинг дил изҳорлари, миннатдорликлари қайд этилиб борилади. Халқ қайси масала билан мурожаат этмасин, бари қўрилади, эътиборга олинади, ҳал этилади ёки соҳасига қараб мутахассисларимиз — тажрибали ҳуқуқшунос, шифокор, банк, солиқ идораси ходими ва бошқаларга берилади, ечимини топиш, ҳал қилиш чоралари қўрилади.

Мурожаатлар электрон шаклда Интернетга киритилди, тумандаги муаммолар электрон почта орқали марказдаги идора раҳбарларига етказилди. Масалан, бир одам, бу ерда мутахассис йўқлиги боис, Тошкентда даволансам, деган мазмунда мурожаат қилди, дейлик. Биз дарҳол тегишли жой билан боғланамиз, фикрлашамиз, электрон тарзда мунддат белгилангиз, мунддат яқинлашган сари монитор сигнал чалиб огоҳлантириб боради, бу масалани тез ҳал қилиш имконини беради. Электрон хабарномаларни мунтазам кузатиб борамиз: аризаси қаноатлантирилганлар миннатдорлигини

◀ Давоми. Бошланғич 1-бетда.



Акрамов, — шулардан қаноатлантирилгани 131, кўриб чиқилаётгани 76, рад этилгани 27 та, тушунтириш берилгани 95 та. Аризалар дарҳол компьютерга туширилади, мунддати белгиланади, масала ечимида мутахассислар иштирок этади.

Миннатдорлик дафтери билан танишдик. «Хомкон» маҳалласидан С.Хожакўлов кўча таъмирлаш муҳтожлиги ҳақида аввалги раҳбарларга кўп мурожаат қилган, натижа бўлмаган (ариза нусхалари илова қилинган), Халқ қабулхонаси назоратта олган, туман ҳокимлиги 10 кунда кўчини таъмирлатиб берган. О.Рўзиев «Гулистон» маҳалласида электр таъминотида қучилиш камлиги боис кўп узилиш бўлиб туриши, мурожаатлар сансоларликка солиниб келинганини, кейин қисқа вақт ичида янги трансформатор қўйиб берилганини изҳор этади.

— Ҳаёт экан, қутилмаган ҳолатларга дуч келамиз, — дейди З.Акрамов. — 16 ёшга тулган ёшлар паспорт олишлари керак. Уйда, ўқиш жойларида тушунтириш яхши олиб борилмагани, бепарволикки, вақтини ўтказиб, ИИБ паспорт столига борган ёшларнинг биринчи эшитгани «энг кам иш ҳақининг уч баробари, микдорда жарима тўлайсанлар», деган нохушроқ гап бўлади. Паспорт оламан, дея гуруҳ ҳиссига тўлиб борган 1575 йигит-қизнинг қай ахволга тушганини тасаввур қилинг. Қонунга мувофиқ иш тутган милиция ходимларини айблаб бўлмайди, албатта. Термиздаги бошлиғимиз Бахтиёр Жамолов билан гаплашдим. У киши раҳбарият билан кенгашиди. Вилоят ҳокимининг аралашуви билан жарима бекор қилинди. Давлат муайян микдорда зарар кўргандир, лекин маънавий қаноатни, одамларнинг розилигини пул билан ўлчаб бўлармикан?...

Термиз туманидаги Халқ қабулхонаси мудири Тоҳир Бекпўлатов тақдим этган маълумотларга кўра, энг кўп ариза иш, уй-жой билан таъминлашга оид, кейин коммунал тўловлар, пенсия, нафақа, моддий ёрдам, алимент, кредит олиш ва ҳоказо. Мудир ишбилармонлик билан ишқомаслиқни қиёслаб қизик моллар келтирди: «Иш ўринлари масаласи билан меҳнат бўлими шуғулланади. Самарқандда тадбиркорлар келиб иссиқхона очишди. Икки минг киши ишли бўлди. Яна бир гуруҳи қум босиб, янтоқ ўсиб ётган чўлда томчилаб суғориладиган чиройли боғ яратди. Ўрик, олмадар пишиб ётибди, ишлаган одамга

қунма-қун нақд пул бериб туришибди. Шу ерда яшовчилар ўрганишса, ўрнак олишса бўлмайди? Бировлар моддий ёрдам сўраб ариза ёзишадими, комиссия тузиб шароитини ўрганишга борсангиз, ери бор, мол-ҳоли бор, муҳтожлиги йўқ, дурустроқ ишласа яхши даромад олади. Мол оламан, кўпайтираман, деб кредит олиб ўз молини, қўй-қўзисини кўрсатиб, пулни айлантормоқчи бўлган шоввозлар ҳам учрайди. Туманимизда инглиз тили, тасвирий санъат, расм, чизмачилик, мусиқа, информатика бўйича мутахассислар етишмайди, тиббиёт соҳасининг ўзида 30 та вакант ўрин бор...»

Шеробод тумани марказидаги Бобур боғида, Шеробод, Бойсун, Қизилқум туманлари фуқароларининг Республика, вилоят раҳбарлари билан бир неча соат давом этган очик мулоқотига гувоҳ бўлдим. Ёши саксонни қоралаган, анча-мунча тажриба орттирган камини раҳбарият ва раиятнинг ҳали бундай очик юзма-юз учрашувини кўрмаганман. Халқ қабулхоналари институтини ана шундай имконини яратиб берди. Бир томонда — Президентнинг давлат маслаҳатчиси, Олий суд расиси, Бош прокурор ўринбосари, Ички ишлар вазирини ўринбосари, бошқа вазирлар ўринбосарлари, ҳокимлар, ташкилот раҳбарлари, иккинчи томонда ариза, шикоят, тақлиф, истак, мурожаатлар билан келган одамлар...

Йигин-мулоқот очик, эркин, ишчанлик вазиятида ўтди. Ҳар бир фуқаронинг мурожаати диққат-эътибор билан тингланди. Ер майдони ажратилганлар, янги иш ўринларига эга бўлганлар, ишига қайта тикланганлар, пойтахтда даволаниш имконини қўлга киритганлар, кредит оладиганлар... алимент ундиршиш, аразлашиб юрган жигарбандларни яраштириш масалалари ҳам қўрилди.

Ўқиганларим, эшитганларим, тўрт кун давомида кўрган, кузатганларимдан ҳулоса шуки, Президентимиз Шавкат Мирзиёев гоёси, ташаббуси билан ташкил этилган Халқ қабулхоналари одамларнинг дардини эшитиб, муаммоларини ўрганиб, ечимини топиб бераётган истиқболли институтга айланиб бормоқда. Абдулла Кодирий бобомизнинг сўзларидан фойдаланиб айтсак, бу қутлуг даргоҳдан ҳеч ким норизо кетмаслиги керак.

Сайди УМИРОВ,
Ўзбекистон Республикасида
хизмат кўрсатган ёшлар
мураббийси.

РАНГ-БАРАНГ ДУНЁ

БОШ КОТИБ

океанларни
ифлослантирмасликка
чақирди



БМТ Бош котиби Антониу Гутерриш Жаҳон океани ресурсларидан фойдаланишнинг янги йўллари излашга чақирди.

2050 йилга бориб, Жаҳон океанидаги пластик чиқиндилар ҳажми балиқлар сонига тенглашади, деди БМТ бош котиби Нью-Йоркдаги штаб-квартирасида бўлиб ўтган океанлар муаммосига бағишланган Жаҳон конференциясида.

Унинг сўзларига кўра, муттасил ифлослантириш, биоресурсларнинг ҳаддан ташқари қамайиб кетиши ва глобал иқлим ўзгаришлари океанлар ҳолатига жиддий таҳдид солаётган омиллардир.

— Океан ва денгизларимизнинг тозаллиги сайёрамиз саломатлиги билан узвий боғлиқдир, — дея таъкидлади Гутерриш.

Конференцияда 200 дан зиёд мамлакатдан давлат ва ҳукумат раҳбарлари, вазирлар, дипломатлар ва экологлар иштирок этди.

СУВ ТОШҚИНИ

оқибатида қурбонлар сони
200 нафардан ошди



Шри-Ланкада сув тошқини ва кўчкилар оқибатида қурбонлар сони 212 нафарга етди. Мутахассислар узулсиз ёмғирлар натижасида юзгага келган сув тошқинлари ва кўчкилар сўнгги йилларда рўй берган энг кучли табиий офат эканини таъкидлашмоқда.

Расмийларнинг сўзларига кўра, 79 киши ҳануз тоپилгани йўқ.

Халқро ташкилотлар жабрланган оилаларга ёрдам кўрсатмоқда.

СЕМИРМАСЛИК

УЧУН

кўпроқ ухлаш керак

Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотида кўра, кам ухлаш ва семирish ўртасида боғлиқлик мавжуд. Болаларнинг етарли микдорда ухлаши танасининг соғлом ўсишига ёрдам беради.

Шифокорларнинг таъкидлашича, ўсимлар камда тўққиз соат ухлаши-лзим.

Интернет материаллари
асосида тайёрланди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Прогнозлаштириш ва макроиктисодий тадқиқотлар институти «Ўрта ва узок мунддатларда минтақаларнинг ҳудудий мувозанатлигини таъминлаш» лойиҳаси жамоаси иқтисод фанлари номзоди

Обидхон САЙДАХМЕДОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик изҳор қилади.

Тошкент молия институти жамоаси «Иқтисодий назарияси» кафедраси профессори Тошболта Жўраевга онаси

Қаршигул аянинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Агробанк» АТБ жамоаси банк ходими Ўлмас Исмоиловга падари бузруквори Аҳмад отанинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ қабулхоналарига бўлган ҳар бир мурожаат, албатта кўриб чиқилади ва ҳал этилади.

БОЛАЛАРИМИЗНИ КИТОБ ЎҚИШГА ЎРГАТАЙЛИК

Кўпичча боласини етаклаб бозорга ёки меҳмондорчиликка бораётган ота-оналарга кўзим тушади. Шунда ўйлаб қоламан: қани энди шу ота-оналар фарзандларининг кўлидан етаклаб китоб дўконларига, кутубхоналарга олиб борса, уларга яхши-яхши китоблардан олиб берса... Эртага «Болам гапимга кулоқ солмаяпти», «Фалончининг ўғли бебош бўлиб кетибди» деган гаплар пайдо бўлмаслиги учун уларни бугундан зиё масканларига боришига йўл очишимиз керакка ўхшайди...

Мен Халқ таълими вазирлиги тасарруфидоги Республика болалар кутубхонаси раҳбари сифатида ўқувчи ахборот-маънавий эҳтиёжини қондиришда бу зиё маскани фаолиятига ва болалар тарбиясидаги ўрнига алоҳида эътибор қаратмоқчиман. Умумий фонди 200 мингдан зиёд китоб ва 6 минг 500 га яқин электрон адабиётдан иборат кутубхонамиз 13 мингдан зиёд китобхонага хизмат кўрсатади. Муштарийларимиз асосан мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари, умумтаълим мактаблари, коллеж ва лицейлар ўқувчилари ҳисобланади. Кутубхона хизматидан ота-оналар, таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари кенг фойдаланади.

Мен касб тақозоси билан соҳага оид янгиликлар билан мунтазам танишиб бораман. Мутахассислар фикрича, китоб мутлоааси жараёнида инсоннинг бош миёни, жумладан, икки ярим шаро фаол ишлаб боради. Биз китоб ўқиётган жараёнда (миямизнинг чап ярим шаро ишлаб боради) доимий равишда тасаввур орқали китобда тасвирланаётган воқеа-ҳодисалар,

асар қаҳрамонларини тасвирларда тасаввур қила бошлаймиз (бундай ҳолатда миямизнинг ўнг ярим шаро ишлаб боради). Демак, биз китоб ўқиш орқали нафақат қувонч ва завқ, маънавий озуқа оламиз балки, миямизни машқ қилдириб, унинг фаолият даражасини ривожлантираемиз.

Адабиёт ва санъатнинг инсон ҳаёти ва соғлиғига ижобий таъсир этиши тўғрисидаги мулоҳазалар бизга узок ўтмишдан маълум. Тарихий манбаларда араблар баъзи беморларни қўшиқлар билан даволаганликлари айтиб ўтилган. Бундай кишилар машшоқлар қўйлаган қўшиқ орқали ёмон кайфиятдан қутулишган. Арасту адабиёт ва санъатнинг инсон саломатлигига таъсирини ўрганиб, шеърят инсонда қўқув ва азобланишни йўқ қилишни аниқлаган. XVIII асрда Англия ва Францияда китоб мутлоааси руҳий соғлиқни тиклаш услубларидан бири ҳисобланган.

Швеция болалар китоблари академияси тадқиқотчилари кўп сонли турли ёшдаги инсонлар ўртасида ўтказилган сўровномалар орқали китоб ўқишнинг фойдали



Фаррух АЛИЕВ олган сурат.

ҳамда зарурий жиҳатларини аниқлашга муваффақ бўлган. Унга кўра, китоб — инсонга қувонч ва завқ бағишлайди. У бизни кучли ички руҳий ҳиссиётларимиз — йиғлаш, кулиш, жажл қиқиш, ҳис қилишга мажбур қилади.

Китоб оғзаки ҳамда ёзма нутқимизни ривожлантиради, сўз бойлигимизни кўпайтиради, фантазиямизни уйғотиб, ички оламимизни бойи-тади, тўғри фикрлашга ўргатади. Фикрлаш қобилиятининг ривожланиши фаолиятимизда янги-янги гошлар туғилишига ёрдам беради.

Энг муҳими, китоб бизни яшашга ўргатади, нима тўғри-ю нима нотўғри, нима яхши-ю нима ёмонлиги ҳақида ҳуло-са чиқаришимизга кўмак беради.

Китоб бизни дунё қандай яратилганлиги, ҳаётимиздаги ҳар бир нарсаси, воқеа-ҳодиса бир-бири билан чамбарчас боғлиқлигини тушунтиради, ўзлигимизни англашга кўмаклашади. Ҳаётимизда учрайдиган муаммоларни ҳар томонлама пухта ўйлаб, ҳулоса чиқаришга, бир саволга бир қанча ечим топишга ўргатади. Мунтазам мутлоаа билан шугулланиш инсоннинг ўзига бўлган ишончини орттиради.

Китоб — маданиятни экспорт қилувчи энг муҳим восита сифатида ҳар қандай мамлакатда, у ерда яшаётган аҳолининг кадриятлари, урф-одатларини чет мамлакат халқларига таништириш им-кониға эға.

томонидан четлатилган, жисмоний камчилиги бор, ота-онаси, синфдошлари, ўқитувчилар билан ижобий муносабатга кириша олмайдиган ёшларга ва аксинча қобилиятлиги сабабли манманликка берилганларга тавсия этилади.

Қолаверса, китоб — ёлғизликка қарши энг яхши восита ҳисобланади. Китобни хоҳлаган жойда, хоҳлаган вақтда ўқиш мумкин. У бизга энг яқин дўст, сўхбатдош бўла олади. Ҳаттоки китоб харадига маблағ бўлмаса, уни кутубхоналардан текин олса бўлади. Бу бойлики ҳеч ким биздан тортиб ололмайди, у ҳаётимиз охиригача биз билан бирга бўлади.

Ва нихоят, китоб — маданий меросимизнинг бир қисми, авлодлар орасида кўприк воситасини бажаришга хизмат қилади. Энг яхши болалар адабиётларини овоз чиқариб ўқиб бериш ота-она ва болалар ўртасидаги ижобий оилавий муҳитни шакллантиради.

Шундай экан, юртимиз келажак бўлиш фарзандларимиз кўлиға имкон қадар китоб тутқазайлик. Шунини унутмаслигимиз керакки, телевизор тамоша қилиб, компьютер ёки телефонлардаги ўйинлар билан банд бўлиб, вақтини бесамар ўтказётган ўғил болаларни келажакда бугун кутубхонада китоб ўқиб ўтирган биргина тенгдоши бошқаришига ишонаман. Болаларимизни китоб ўқишга ўргатайлик...

Дониёр ЎРОЛОВ,
Республика болалар кутубхонаси директори.

Спорт

Италия пойтахти Рим шаҳрида сузиш бўйича анъанавий халқаро турнир бўлиб ўтди. Унда юртимиз шарафини ҳимоя қилган спортчиларимиз 4 олтин, 4 кумуш медалга сазовор бўлишди.

ХАЛҚАРО ТУРНИРДАН 4 ОЛТИН, 4 КУМУШ

Терма жамоамиз етакчиларидан бири Хуршиджон Турсунов 100 метр масофага эркин усулда сузиш бўйича ўтказилган мусобақада 00:49.54 сония натижа билан олтин медални кўлга киритди. Ҳамюртимиз галабали юришини давом эттириб, 200 метр масофага эркин усулда сузиш баҳсларида маррага 1:50.55 сонияда етиб келиб, яна бир олтин медалнинг эгасига айланди. Шунингдек, Хуршиджон Турсунов ҳар икки йўналишда ҳам халқаро турнирнинг рекордини янгилади.

Ўзбекистонлик спортчи Артём Козлюк 200 метр масофага баттерфлей усулида сузиш баҳсларида 2:01.07 сония натижа қайд этиб, олтин медални кўлга киритиш билан бирга, халқаро турнирнинг рекордини ҳам янгилади. Шунингдек, у 50 ва 100 метр масофага баттерфлей усулида сузишда биринчи ва иккинчи ўринларни эгаллади.

Юртдошларимиздан яна бири Алексей Тарасенко эркин усулда сузиш бўйича 50, 100 ва 200 метр масофаларга ўтказилган баҳсларда уч бор кумуш медалга сазовор бўлди.

«Ўзбекистон овози» муҳбири
Шаҳбоз САИДОВ тайёрлади.

Реклама

«TOSHKENT UNIVERSAL AUCTIONS SAVDO» МЧЖ

2017 йил 22, 24, 27 ва 29 июнь кунлари тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш орқали ташкил этиладиган савдоларга таклиф этади

Савдоларга Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 101-уйда жойлашган Ўзбекистон Республикаси Ташқи Иқтисодий Фаолият Миллий Банкининг қуйидаги ҳўжалик жамияти устав фондидаги 100 фоиз улуши такрорий равишда қўйилади:

Т/р	Объект номи	Сотилаётган объект		Савдога қўйилаётган объект бошланғич баҳоси	
		Манзили	Асосий фаолият йўналиши	Сўм	АҚШ доллари
1.	«XORAZM PALACE» МЧЖ	Хоразм вилояти, Урганч шаҳри, Ал-Беруний кўчаси, 2-уй	Меҳмонхона хизматларини кўрсатиш	24 008 000 000	10 528 531,58

Тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш орқали сотиш шартлари:

Савдо голиби улуш сотилиш баҳосининг бўнақ пули сифатида камида 15 фоиз микдорини савдо ўтказилгандан сўнг, қолган қисминини олди-сотиш шартномасида белгиланган муддатда сотувчининг ҳисоб рақамига тўлаши шарт.

Савдода иштирок этиш учун талабгор томонидан мажбуриятлар бажарилишининг таъминланиши сифатида тўланган закат пули шартнома суммасига киритилади.

Сотиб олиш учун тўловларни бўлиб-бўлиб тўлаш муддати 7 (етти) йилгача бўлган муддатни ташкил этади.

Тўғридан-тўғри музокаралар орқали сотиш жараёнида сотилаётган улушнинг бўнақ пули микдори 15 фоиздан кўпроқни ҳамда тўловларни бўлиб-бўлиб тўлашининг яқуний муддати 7 йилдан камроқ муддатга сотилиши бўйича музокаралар олиб борилиши мумкин.

Савдо объекти, ҳўжалик жамияти фаолиятини тиклаш мақсадида киритилган маблағлар харидор томонидан белгиланган муддатларда тўлаб берилиши шарт билан сотилади.

Тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш орқали сотилаётган объектлар бўйича сотиб олиш учун тўловлар бир йўла ёки сотиб олиш суммасининг қолдиги фоизлар ҳисобланмасдан бўлиб-бўлиб, шунингдек, сотиб олиш учун тўловлар тўлиқ тўлангунга қадар объектни ўзига бериш ва учинчи шахсларга гаровга (ипотекага) қўйиш

ҳўқуқсиз (сотувчи — «Ўзмиллиббанк» бундан мустасно) тўланади.

Ҳўжатларни расмийлаштиришда зарур бўладиган давлат божи, гаров таъминотини таъминлаш билан боғлиқ барча харажатлар (шу жумладан, нотариал тасдиқлаш, объектни баҳолаш ва сугурталаш билан боғлиқ харажатлар), савдо ташкилотчисига тўланадиган комиссия тўловлар, савдо ташкилотчисининг савдони ташкиллаштириш ва ўтказиш билан боғлиқ харажатлари ҳамда юзага келадиган бошқа харажатлар харидор маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Савдоларда иштирок этиш учун талабгор қуйидаги ҳўжатларни тақдим этиши лозим:

юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисида гувоҳнома, устав нусхаси, шунингдек, савдода иштирок этиш учун ваколатли вакил номига, унинг шахсини тасдиқловчи ҳўжат нусхаси илова қилинган ҳолда, қонун ҳўжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома; жисмоний шахслар учун — паспорт (истиқомат гувоҳномаси) нусхаси, савдода ваколатли вакил қатнашган тақдирда эса, унинг шахсини тасдиқловчи ҳўжат нусхаси илова қилинган ҳолда, қонун ҳўжатларида ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

эълонда кўрсатилган банк ҳисоб рақамига закат пули ўтказилганлигини тасдиқловчи тўлов ҳўжати нусхаси;

икки нусхадаги ёлпик конвертларга солинган ва қуйидагиларни ўз ичига оладиган талабгор таклифлари:

сотиб олиш тўловларининг таклиф этилаётган суммаси ва уларни тўлаш муддати, бизнес-режа. Бунда, тақдим этилган ҳўжатларнинг барча варақлари талабгор имзоси ва муҳри (муҳр мавжуд бўлган тақдирда) билан тасдиқланган бўлиши лозим.

Савдода иштирок этиш учун, талабгорлар томонидан тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш орқали сотилаётган улуш бошланғич нархининг 1 (бир) фоизи микдориди закат пулини «TOSHKENT UNIVERSAL AUCTIONS SAVDO» МЧЖнинг АТИБ «Ипотекабанк» Шайхонтохур филиалидаги МФО: 00425, СТИР: 302071274, 2020 8000 704 929 318 001 ҳисоб рақамига тўлашлари лозим.

Талабгорлардан юқорида кўрсатиб ўтилган ҳўжатларни ҳамда буюртма-номаларни қабул қилиш, расмий иш кунларида мазкур эълон чиққан кундан бошланади ва савдо ўтказиш бошланишидан камида уч соат олдин тўхта-тилади.

Ушбу банк улуши сотилаётган корхона билан унинг юқорида кўрсатиб ўтилган манзилига бориб танишиш мумкин.

Савдоларга тақдим этилган таклифларни ўрганиб чиқиш, белгиланган савдо кунлари соат 11-00да бошланади ва қуйида кўрсатилган манзилда бўлиб ўтади:

Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 16-«А» уй, 3-қават, 307-хона (Маҳлислар зали).

Мурожаат учун манзиллар ва алоқа воситалари:

Сотувчи (Банк): Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 101-уй; телефон: (0371) 234-11-22, 234-15-60; телефакс: 234-43-31.

Савдо ташкилотчиси: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 16-«А» уй, 4-қават, 401-хона; телефон: (0371) 233-02-49; телефакс: 233-23-40, электрон почта: TUAS_MCHJ@mail.ru.

Гувоҳнома № 005357

ЗАВОД «КРАНЫ И СПЕЦТЕХНИКА»

ПРОИЗВОДИТ И РЕАЛИЗУЕТ ПОД ЗАКАЗ:



- Автокраны — 16, 25, 32, 50 т.
- Краноманипуляторы — 3, 5, 10 т.
- Ямобуры.
- Автовышки — 11, 18, 22, 28, 31м.
- Самосвалы — 3т, 4.5т, 9т.

ГАРАНТИЯ
1 ГОД

Адрес: Республика Узбекистан, г. Ташкент.
Тел./факс: (+99871) 262-97-78, (+99871) 262-23-61.
Моб.: (+99890) 188-15-33, (+99890) 187-52-05.

E-mail: cst2008@mail.ru Web-site: www.avtokran.uz, www.krantas.uz

Товары сертифицированы.

МУАССИС:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: **Safar OSTONOV**

TAHRIR HAY'ATI:

Hotamjon KETMONOV

Ulug'bek VAFOYEV

Saidkamol XODJAYEV

Muslihiddin

MUHIDDINOV

Ochilboy RAMATOV

Farrux HAMROYEV

(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)

Tat'yana KISTANOVA

(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent,
Matbuotchilar
ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshqarasida chop etildi.

Korxonalar manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 638

14306

nuxxada

bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220

t — Tijorat materiallari

O'ZA yakuni — 21:30

Topshirilgan vaqti — 00:15

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:

Toshtemir XUDYOQULOV

Sahifalovchi-dasturchilar:

Zafar BAKIROV

Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7633

1 2 3 4 5 6